



## FARG'ONA VILOYATI BUVAYDA TUMANI HOKIMINING QARORI

2022 - yil 5 - avgust

228-11-154-Q/22

Buvayda tuman hokimligi

**Buvayda tumani Maslahat MFY  
Maslahat qishlog'i hududida 1 dona  
suv chiqarish qudug'i hamda 1 km  
uzunlikda sug'orish tizimlarini  
qurishga ruhsat berish to'g'risida**

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 30.12.2021 yil kunidagi "Respublikada ko'kalamzorlashtirish ishlarini jadallashtirish, daraxtlar muhofazasini yanada samarali tashkil etish chora-tadbirlari to'g'risida"gi PF-46-son Farmoni hamda viloyat hokimining 2022 yil 10 yanvardagi 10-11-0-Q/22-son qarori ijrosini ta'minlash, Maslahat MFY Maslahat qishlog'i hududida 1 dona suv chiqarish qudug'i hamda 1 km uzunlikda sug'orish tizimlarini qurishga ruhsat berish to'g'risidagi tuman Obodonlashtirish boshqarmasining 19.07.2022 yil kungi № 179-sonli xatiga asosan,

### QAROR QILAMAN

1. Tuman Obodonlashtirish boshqarmasining 19.07.2022 yil kungi № 179-sonli xati inobatga olinsin.

2. Buvayda tumani, Maslahat MFY, Maslahat qishlog'i hududida 1 dona suv chiqarish qudug'i hamda 1 km uzunlikda sug'orish tizimlarini qurishga ruhsat berilsin.

3. Buyurtmachi zimmasiga:

qurilish ishlarini tuman arxitektura va qurilish bo'limi bilan kelishilgan loyixa asosida olib borish;

qurilish jarayonida xizmat ko'rsatuvchi xamda nazorat qiluvchi tashkilotlar

tomonidan berilgan texnik xulosa va shartlarni to'la miqdorda bajarilishini ta'minlash;

qurilish ishlari jarayonida tegishli mutasaddi tashkilotlar ruxsatisiz qo'shimcha o'zgartirishlar kiritmaslik vazifalari yuklatilsin.

4. Tuman Obodonlashtirish boshqarmasi boshlig'i (N.Tursunov) qurib bitkazilgan 1 dona suv chiqarish qudug'i hamda sug'orish tizimlaridan maqsadli foydalanish vazifasi yuklatilsin.


5. Ushbu qarorni bajarilishini nazorat qilish tuman hokimining o'rinbosari S.Xizirov zimmasiga yuklatilsin.

Tuman hokimi



Odiljonovich I. B.

Бувайда тумани Маслахат МФЙ Маслахат кишлоғи ҳудудида 1 дона сув чиқариш қудуғи ҳамда 1 км узунликда суғориш тизимларини қуриш учун Бувайда тумани ҳокимининг 2022 йил 5-августдаги 228-11-154-Q/22-сонли қарорига асосан танланган ер майдонининг қишлоқ хўжалик харитасидан КЎЧИРМАСИ




Бувайда туман қурилиш бўлими бошлиғи

ДҚП Бувайда тумани филиали раҳбари

А.Юсупов

М.Исмоилов





Ўзбекистон Республикаси  
Қурилиш вазирлиги

№ 4107-6163-2ae4-7223-4a89-6891-5530  
Хужжат яратилинган сана: 2022-09-21  
Ариза рақами: 60183203

Хужжат берилган: BUVAYDA TUMANI KOMMUNAL  
FOYDALANISH KORXONASI  
ЖШ ШИР: 200162506

**АРХИТЕКТУРА-РЕЖАЛАШТИРИШ  
ТОПШИРИҒИ**

21.09.2022 15:16 й.  
1730-1730212-50734 -сон

Лойиҳавий бино (иншоот) тури:	Бир дона сув чиқариш қудуғи қазил ва 1,0 км. узунликда суғориш тизимлари қуриш
Лойиҳавий бино (иншоот)нинг манзили:	Бувайда тумани Маслахат м.ф.й. Маслахат қишлоғи
Лойиҳавий бино (иншоот)нинг буюртмачиси:	“Бувайда тумани коммунал фойдаланиш корхонаси”

Ушбу архитектура-режалаштириш топшириғи фақат лойиҳалаштириш ишларини амалга ошириш учун ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланиб, қурилиш-монтаж ишларини бошлашга асос бўла олмайди. Қурилиш бош бошқармасининг манзили ва телефон рақамлари: Фарғона вилояти Фарғона шаҳри С.Темур кўчаси 111-Б-уй тел. 91-138-79-81

#	Архитектура-режалаштириш топшириқларининг қисмлари	Қисмларнинг мазмуни
1	Архитектура-режалаштириш топшириқларини ишлаб чиқиш учун асос бўлган ҳужжатлар	“Бувайда тумани коммунал фойдаланиш корхонаси”нинг 15.09.2022 йил кунги 60183203-сонли аризаси, Бувайда тумани хокимининг 05.08.2022 йил 228-11-154-Q/22-сонли қарори.
2	Лойиҳалаштириладиган бино ва иншоот (кейинги ўринларда объект деб аталади) ер участкасининг жойлашиши ва бош режада туган ўрни	Бир дона сув чиқариш қудуғи қазил ва 1,0 км. узунликда суғориш тизимлари қурилиши учун рухсат берилган ер майдони Бувайда тумани Маслахат м.ф.й. Маслахат қишлоғидаги буш ер майдонидан танланган бўлиб, аҳоли пунктдан ташқарида жойлашган.

3	<b>Лойиҳалаштириладиган объект худудининг табиий-иқлим кўрсаткичлари</b>	Бувайда туманини иқлими континенталь. Қиш ойларида ўртача t-3 Сдан жуда совуқ бўлса t-18 Сгача бўлади. Қор доимий ёғади. Ёзи иссиқ ўртача t+28 С ошиғи билан t+35-40 С, куз ва баҳор ойларида шамоллар бўлиб, ёз ойида эса айрим пайтларда гармсель бўлиб туради. -30+35 метр секунд тезликда тез-тез шамол бўлади, ёмғир баҳор ва куз ойлари даврида ёғади. Момақалдиروқ ҳам кузатилган йиллик ёғин 250 мм-400 мм бўлади.
4	<b>Лойиҳалаштириладиган объект ер участкасининг геологик ва топографик жиҳатдан ўрганилганлиги</b>	Қазиладиган бир дона сув чиқариш қудуғи ва 1,0 км. узунликда қуриладиган суғориш тизимлари учун рухсат берилган ер майдонини топохарита ва геологик қидирув ишлари «O'ZGASHKLITI» Фарғона филиали ёки махсус рухсатнома (лицензия)си бор ташкилотлар томонидан буюртма асосида бажариб берилади.
5	<b>Лойиҳалаштириладиган объект ер участкасининг чегаралари ҳамда унга туташ объектлар ёки ер участкалари тўғрисида маълумот</b>	Қазиладиган сув чиқариш қудуғи ва қуриладиган суғориш тизимлари учун рухсат берилган ер майдони қуйидагича чегараланган: -шимол томондан автомобил йўли билан; -жануб томондан фермер хўжалиги ерлари билан; -шарқ ва ғарб томонлардан бўш ер майдонлари билан чегараланган.
6	<b>«Қизил чизиқлар ва белгилар»</b>	Қазиладиган сув чиқариш қудуғи ва қуриладиган суғориш тизимлари йўналишини топохаритада жойлашуви туман бош архитектори томонидан белгиланиб, Фарғона вилояти қурилиш бош бошқармаси билан келишилганидан сўнг, лойиҳалаштириладиган сув чиқариш қудуғи ва суғориш тизимлари учун рухсат берилган ер майдонини тасдиқланган чегарасидан чиқмасдан, қурилиш чизиқларига амал қилган ҳолда лойиҳа ишларини олиб борилиши таъминлансин.

7	<b>Архитектура талаблари</b>	<p>-Лойиха ишларини бажариш жараёнида барча алоқадор корхона ва ташкилотлар томонидан техник шартлар ва хулосалар олиниб, уларда қўйилган талабларга тўлиқ амал қилган ҳолда лойиха тайёрланиб келишилсин. -Қазиладиган сув чиқариш қудуғи ва тортиладиган суғориш тизимини лойихалашда шахарсозлик меъёр ва қоидаларга амал қилган ҳолда ШНҚ ҳамда, ҚМҚ талаблари асосида жойлаштирилсин ҳамда мавжуд муҳандислик тармоқларидан қурилиш меъёрлари асосида масофа ташлансин ҳамда кесиб ўтиш жойларида муҳофаза воситалари ҳисобга олинсин. -Лойиха ишларини бошлашдан олдин, қазилиши режалаштирилаётган сув қудуғи ҳамда тортиладиган суғориш тизимини жойлашув (1:500 нисбатдаги топохаритада) бош режасини рангли тасвирда ишлаб чиқилиб, вилоят қурилиш бош бошқармаси ҳамда туман қурилиш бўлими билан келишилсин. -Лойиха ташкилоти томонидан бажарилган лойиха, архитектура режалаштириш топшириқларига асосан буюртмачи, вилоят қурилиш бош бошқармаси томонидан келишилган, тасдиқланган «лойиха топшириқларига» ҳамда 1:500 нисбатдаги топохаритадаги тасдиқланган чегараларига амал қилинсин. -Қазиладиган бир дона сув чиқариш қудуғи ва 1,0 км. узунликда қуриладиган суғориш тизимлари учун рухсат берилган ер майдонида лойиха ишларини бажаришда, тортиладиган сув тизимини маҳаллий йўллардан, сув хўжалигига қарашли тармоқлардан, ер ости тармоқларини кесиб ўтиш жойларида химоя қобиғлар орқали ўтказилиши ҳамда сув хўжалигига қарашли тармоқлари, электр, алоқа ва бошқа муҳандислик тармоқлари ёнидан параллел ҳолатда ўтиши, яшаш уйларига яқин жойларида мавжуд ҚМҚ ва ШНҚ талаблари асосида оралиқ масофа сақлаган ҳолда махсус қувурлар орқали ўтказилиши лойихада кўрсатилсин. -Янги тортиладиган суғориш тизимини Бувайда тумани Маслаҳат м.ф.й. ҳудуди бўйлаб ҳамда автомобил йўлининг четидан тортилиши лойихада инobatга олинсин.</p>
8	<b>Лойихалаштириладиган объект ер участкасида мавжуд бино ва иншоотларни бузиш ёки фойдаланиш бўйича таклифлар</b>	<p>Тортиладиган суғориш тармоғи учун рухсат берилган ер майдонида бузилиши режалаштириладиган бино ва иншоот ҳамда муҳандислик тармоқлари лойиха ишларини бажариш давомида аниқланади. Бир дона сув чиқариш қудуғи қазилу учун рухсат берилган ер майдонида бузилиши кўзда тутилган бино ва иншоотлар мавжуд эмас.</p>
9	<b>Объектни босқичма-босқич қуриш</b>	<p>Лойиха ташкилоти томонидан тайёрланган қурилишни ташкил этиш лойихаси (КТЭЛ)га асосан қурилиш ишлари босқичма-босқич олиб борилсин ва фойдаланишга топширилсин.</p>
10	<b>Ер майдонини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш</b>	<p>Суғориш тизимини тортиш даврида бузилган асфальт тўшама, ариқлар, гулзорлар ва бошқа иншоотлар қайта тикланиши лойиха ишларини ҳисоб-баҳолаш қисмида ҳисобга олинсин. Автомобил ва маҳаллий йўлларни асфальт тўшамалари бузилмаслиги учун, суғориш тизимини йўл чети билан зовур оралиғида ётқизиш мақсадга мувофиқ бўлади.</p>
11	<b>Санитария-гигиена талаблари</b>	<p>Лойихалаштиришда Сан ПиН0350-17 санитария-гигиена талабларига асосан жойлаштирилсин. Лойихалаштириш жараёнида қурилиш материаллари турларини белгилашда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тақиқланган ва санитария-гигиена талабларига жавоб берадиган қурилиш материалларидан фойдаланилиши шартлиги инobatга олинсин.</p>

12	<b>Ёнғиндан сақланиш талаблари</b>	Ёнғиндан сақланиш талаблари ШНҚ 2.02.01-04 шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига асосан лойиҳалаштирилсин.
13	<b>Экология талаблари</b>	Қазиладиган сув қудуғи ва тортиладиган суғориш тизими учун рухсат берилган ер майдонида лойиҳа ишларини бажаришда экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш меъёрларига амал қилиш мақсадида атроф-муҳитни тасири тўғрисидаги АТТА лойиҳаси (экологик лойиҳаларни бажариш учун рухсатномаси бўлган лойиҳалаш ташкилот томонидан) тайёрланиб, Вилоят экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармасининг экспертиза бўлимидан лойиҳани экспертиза хулосаси олинсин ва ушбу лойиҳада ва экспертизада кўрсатилган талабларга амал қилган ҳолда қурилиш лойиҳаси бажарилсин.
14	<b>Лойиҳани келишиш</b>	-Лойиҳа архитектура-режалаштириш топшириғига мувофиқлигига Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали ёки давлат хизматлари маркази орқали қуйидагилар билан келишилсин. -Қазиладиган бир донга сув чиқариш қудуғи ва 1,0 км. узунликда қуриладиган суғориш тизимларини жойлашув бош режаси ҳамда лойиҳа ҳужжатлари қуйидаги вилоят ва туман мутасадди идоралар билан келишилсин. -“Фарғона сув таъминоти” МЧЖ туман бўлими -Бувайда ТЭТ корхонаси -“Худудгаз” туман бўлими -Туман телекоммуникациялар боғламаси -Туман ободонлаштириш бошқармаси -Вилоят СЭОМ туман бўлими - Вилоят ФВВБ туман бўлими -Туман йўл қурилиш бўлими - Фарғона вилояти ИИБ ЙХХ бошқармаси туман бўлими -Вилоят экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитаси ва боқа барча алоқадор корхона ва ташкилотлар.
15	<b>Қўшимча талаблар</b>	-Лойиҳа ишларини бажарилишидан олдин, барча алоқадор корхона ва ташкилотлардан хулосалар олиниб, ушбу хулосаларда кўрсатилган талаблар асосида лойиҳа ишлари бажарилсин. -Қазиладиган бир донга сув чиқариш қудуғи ва 1,0 км. узунликда қуриладиган суғориш тизимларини жойлашув бош режаси ҳамда лойиҳа ҳужжатлари вилоят қурилиш бош бошқармаси ҳамда барча алоқадор корхона ва ташкилотлар билан келишилсин. -Лойиҳа ташкилоти, лойиҳани келишиш давомида вилоят Қурилиш бош бошқармаси ёки унинг ҳузуридаги ҳудудий архитектура-шаҳарсозлик кенгаши томонидан берилган тавсиялар ва экспертиза хулосасида кўрсатилган камчиликларни бартараф этади. -Вилоят Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекциясига қурилиш ишларини бошлаш учун буюртмачи томонидан хабарнома юборилади. - Қазиладиган бир донга сув чиқариш қудуғи ва 1,0 км. узунликда суғориш тизимлари тортиш даврида лойиҳа ташкилоти томонидан ишларни сифати устидан техникавий ҳамда муаллифлик назорати олиб борилиши таъминланади. - Қудуқ қазиланган ҳамда суғориш тизимини тортиш ишлари тугагандан сўнг, буюртмачи томонидан объект ҳудуднинг ижро топотасвирини (ер ости ва ер усти муҳандислик коммуникациялари акс эттирилган ҳолда) бажарилишини таъминлайди ва унинг бир нусхасини вилоят Қурилиш бош бошқармасига топширади. -Техник-иқтисодий кўрсаткичлар (ТЭП) ҳужжатлари тайёрлансин. -Лойиҳалаш ишлари ШНҚ 2.07.01-03, ШНҚ 2.07.01-03*, ШНҚ 2.03.14-18, ШНҚ 2.01.02-04, ШНҚ 1.03.01-03, ШНҚ 2.04.09-07, ШНҚ 4.02.11-06, ШНҚ 4.02.12-06, ҚМҚ 2.04.02-97, ҚМҚ 2.04.05-97, ҚМҚ 3.05.06-97, ШНҚ 2.07.02-07, ҚМҚ 2.01.05-98, ШНҚ 2.05.02-07, ҚМҚ 2.04.13-99, ҚМҚ 2.01.03-98, ҚМҚ 2.08.02-96, ЁХҚ-01-97, Сан ПиН 0241-07, Сан ПиН 0246-08 талабларига амал қилган ҳолда бажарилсин.

## Муҳандислик тармоқларига уланиш шартлари:


16	Ичимлик сув тармоғи	-
17	Оқва сув тармоғи (канализация)	-
18	Электр тармоғи	-
19	Газ тармоғи	-
20	Телефон алоқа тармоғи	-
21	Иссиқлик ва иссиқ сув тармоғи	-
22	Дренаж тармоғи	-
23	Объектни муҳандислик тармоқларига уланиш бўйича буюртмачига ва лойиҳа ташкилотига қўйилаётган талаблар	-Қазилиши кўзда тутилган сув қудуғини муҳандислик тармоқларига уланиш тартиб-таомилларни белгиловчи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига риоя этилиши таъминлансин. -Сув қудуғига уланадиган ер ости ва ер усти муҳандислик коммуникациялари унга чегарадош ўзга ер майдонларидан ўтказиладиган ҳолатларда муҳандислик коммуникацияларининг трассалари ушбу ер майдонлари эгалари билан келишилсин. -Қазиладиган бир дона сув чиқариш қудуғи ва 1,0 км. узунликда қуриладиган суғориш тизимлари учун рухсат берилган ер майдони ҳудудидан ўтган ер ости ва ер усти муҳандислик коммуникациялари кўчирилиши (зарурат бўлганда) лойиҳадаинobatга олинсин. -Сув қудуғига уланадиган ер ости муҳандислик коммуникацияларини ётқизишда кўчаларни ёпик ҳолда кесиб ўтишни мутасадди ташкилотлар билан келишилсин. -Ўзбекистон Республикаси Президентининг 22-май 2019 йилдаги ПҚ-4329-сонли қарорига асосан қазиладиган сув қудуғига ҳамда ҳудудларига муҳандислик тармоқларини ўтказиш учун \\\\"муҳандислик тармоқлари шахталари\\\" қурилиши лойиҳада кўрсатилсин. -Қазиладиган сув қудуғи ҳамда суғориш тармоғи тортиш жараёнида ГОСТ-13109-97ни талаблари асосида бажарилсин ҳамда ўрнатилган тартибда лойиҳа ташкилоти томонидан объектда муаллифлик назорати олиб бориш таъминлансин.
24	Архитектура-режалаштириш топшириғининг амал қилиш муддати	Ушбу архитектура-режалаштириш топшириғини амал қилиш муддати- 2 (икки) йил.



Бувайда тумани Маслахат МФЙ Маслахат қишлоғи ҳудудида 1 дона сув чиқариш қудуғи ҳамда км узунликда сугориш тизимларини қуриш учун Бувайда тумани ҳокимининг 2022 йил 5-августда 228-П-154-Қ/22-сонли қарорига асосан таъинланган ер майдонининг қишлоқ ҳужалик харитасидан **КЎЧИРМАСИ**



- Шартли белгилар**
- Лойihalанадиган сугориш сув қудуғи ҳудуди
  - С — Лойihalанадиган сугориш тармоғи
  - — — — — Топотасвир чегараси

<i>Фаргона вилояти қурилиш бош бошқармаси</i>		<i>М - Б</i>
2022 й.	<i>Иншоот: Бир дона сув чиқариш қудуғи қазии ва 1,0 км. узунликда сугориш тизимлари қуриш.</i>	<i>1:</i>
<i>Бувайда тумани Маслахат м.ф.й. Маслахат қишлоғи.</i>		<i>АРТ №</i>
<i>Баждарувчи</i>		<i>И.Арипов</i>

**АРХИТЕКТУРА-РЕЖАЛАШТИРИШ ТОПШИРИҒИНИ ИШЛАБ ЧИҚДИ:**

<b>Архитектура-режалаштириш топшириғини ишлаб чиқиш бўлими раҳбари:</b>	Игамбердиев Шухратжон
<b>Архитектура-режалаштириш топшириғини тайёрлаган мутахассис:</b>	Арипов Ибрагим

**АРТ лойиҳаолди ҳужжат бўлиб, ер участкаси ёки бино ва иншоотга мулк ҳуқуқини тасдиқламайди ҳамда қурилиш-монтаж ишларини бошлаш учун асос ҳисобланмайди.**

KADIROV OTABEK ALIYEVICH

Мазкур ҳужжат Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 сентябрдаги 728-сон қарорига мувофиқ Ягона интерактив давлат хизматлари порталида шакллантирилган электрон ҳужжатнинг нусхаси бўлиб, давлат органлари томонидан ушбу ҳужжатни қабул қилишни рад этишлари қатъиян тақиқланади. Ҳужжат ҳақиқийлигини [gero.gov.uz](http://gero.gov.uz) веб-сайтида ҳужжатнинг ноёб рақамини киритиб ёки мобил телефон ёрдамида QR- кодни сканер қилиш орқали текшириш мумкин.

3634

